ГЕНЕТИК БОҒЛАНМАГАН ОМОНИМЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТИНИ ЯРАТИШНИНГ АМАЛИЙ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ВА ТАВСИЯЛАР

Р.Ходжаева

Мақолада генетик боғланмаган омонимларнинг электрон луғатини яратишнинг амалий муаммоларига ечим ва тавсиялар ёритилаган.

***Калит сўзлар**: автоматик таржима, омонимлар, генетик боғланмаган омонимлар, лексик омоним, лексикография.*

В статье представлены рекомендации по решению практических проблем при создании электронного словаря генетически не связанных омонимов.

***Ключевые слова**: автоматический перевод, омоним, генетически не связанный омоним, лексический омоним, лексикография.*

The article considers recommendations and decisions of practical problems of making electronic dictionary of genetically non-related homonyms.

***Key words**: automatic translation, homonyms, genetically non-related, lexical, lexicography.*

Тилшуносликда маълум соҳалар ва йўналишлар жадал асосда ривожланмоқда. Хусусан, когнитив тилшунослик, психолингвистика, социолингвистика, нейролингвистика, прагмалингвистика каби замонавий соҳаларда тадқиқотлар кўлами катта. Боиси, мазкур йўналишлар ўта муҳим амалий аҳамиятга эга ва синхрон тавсифга асослангандир. Зеро, бугунги фаннинг талаби илмий изланишларнинг прагматизм тамойилига мувофиқ келиши, фақатгина назарий аҳамиятга эмас, балки амалий аҳамият касб этишдир. Шу жиҳатдан ҳам, XXI асрда тилшунослик фани назарий ҳамда татбиқий-амалий фан сифатида ривожланмоқда.

Тадқиқот объектимиз саналган генетик боғланмаган лексик омонимлар бир қарашда тилшуносликнинг соф назарий муаммосидек кўринса ҳам, аслида унинг прагматик томонлари, тилдаги муаммоларга ечим топишда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган жиҳатлари кўпдир. Шулардан айримларига алоҳида тўхталишни лозим топдик.

Биринчидан, генетик боғланмаган лексик омонимлар тил тарихини ўрганишда муҳим маълумотлар базаси ва архив манбалар сифатида хизмат қилади. Шунинг учун уларни ўрганишда ҳам синхрон, ҳам диахрон таҳлил параллел амалга оширилади.

Иккинчидан, маълум бир тил материалида генетик боғланмаган лексик омонимларни ўрганиш ўша тилнинг тарихий тараққиёти эволюциясини ва динамикасини илмий асослашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, ҳозирги кунда тил тарихи, диахрон тилшунослик соҳасидаги тадқиқотлар сони жуда озчиликни ташкил этади. Бизнингча, генетик боғланмаган омонимларнинг электрон луғатини яратиш, тўлиқ бўлмаса ҳам қисман шу “бўшлиқ”ни тўлдиришга хизмат қилади. Яъни ўзбек ва инглиз тиллари лексиконининг ташқи манбалар асосида бойиш жараёнининг тадрижий тараққиёти генетик боғланмаган лексик омонимлар билан ҳам узвий алоқадордир. Бунда тил тарихининг турли босқичларида омонимларнинг миқдорий таркибидаги ўзгаришлар, омонимик қаторларда юз берган турли ўзгаришлар, тил тарихининг муайян даврида тилга кириб келган ва истеъмолдан чиқиб кетган омонимларнинг аниқ миқдорий муносабати, генетик боғланмаган лексик омонимларнинг тил тараққиётидаги ўзига хос ўрни каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки қайд этилган муоммолар тилшуносликда ҳалигача ўзининг аниқ ечимини топмаган ва махсус тадқиқ этилмаган. Шу боис бизнинг тадқиқотимиз ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг бир қисмини ташкил этади.

Генетик боғланмаган лексик омонимлар хорижий тилларни мукаммал эгаллашда ўзига хос “тўсиқ” бўлади, маълум қийинчилик ва мураккабликларни туғдиради. Бир хил лисоний шакл турли хил маъноларга эга бўлиши ва омонимларнинг матнни идрок этишда ўқувчини қийин аҳволга солиши мазкур бирликларни тадқиқ этишнинг яна бир прагматик томонини кўрсатади.

Тил ўқитиш жараёнида генетик боғланган лексик омонимлар билан боғлиқ муаммолар аста-секин тилни мукаммал контекстга боғлаб ўрганиш асосида ҳал этилиши мумкин. Лекин генетик боғланмаган лексик омонимлар билан боғлиқ муаммоларни мазкур метод билан ҳал этиб бўлмайди. Бу жараёнда генетик боғланмаган лексик омонимлар рўйхатини аниқ белгилаб олиш ҳамда уларни ишлатилиши ва маънолари билан боғлиқ этимологик изоҳлар, шарҳлар ёрдамида тавсифлаш, сўнг ягона луғатга жамлаш лозим. Бир сўз билан айтганда, генетик боғланмаган лексик омонимлар

китоб шаклидаги луғатини ва электрон луғатини махсус яратиш лозим. Тўғри, шу кунга қадар кўплаб омонимлар луғати яратилган, лекин уларнинг барида генетик боғланмаган лексик омонимлар бошқа турдаги омонимлар билан ёндош ва аралаш ҳолда тавсифланган. Хусусан, Р. Бриджезнинг омонимлар рўйхатида 800 омонимик гуруҳ келтирилган [1]. Ушбу асарнинг аҳамияти шундаки, унда фақатгина талаффуз жиҳатидан бир хил бўлган генетик боғланмаган омонимлар ажратиб берилган.

Э.Бранис томонидан эълон қилинган омонимлар рўйхатида эса фақат от сўз туркумига оид бўлган генетик боғланмаган омофонлар жамланган [2.123]. Бунда олим омонимлар этимологияси ва уларнинг ёзма манбаларда биринчи марта юзага келган вақти (санаси) билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтирган.

Н.Вебстер томонидан тузилган луғатда синонимлар, антонимлар ва омонимларни ўз ичига олган уч хил рўйхат мавжуд. Луғатда нутқий жараёнда кўп ишлатиладиган 2000 омоним қайд этилган, лекин бунда омонимларнинг турлари орасидаги фарқланиш ва чегаралар, шунингдек, этимологик изоҳлар берилмаган, фақат ҳар бир омонимга дефиниция берилган [3]. Луғатнинг изчил тизимлилик принципи асосида тузилмагани ундан фойдаланишда мураккаблик туғдиради.

И.С.Тышлер томонидан тузилган луғатда 798 омонимик уя (қатор) ва 2522 омоним келтирилган [4.232]. Мазкур луғат “Oxford English Dictionary” асосида Россияда яратилган замонавий инглиз тилининг биринчи омонимлар луғатидир.

Юқоридаги луғатларнинг инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганиш ва ўқитишдаги аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, шуни ҳам айтиш лозимки, ҳалигача замонавий инглиз тилидаги омонимларнинг барча турларини қамраб олган ва тил тарихий тараққиётининг турли боқичларидаги ўзгаришларни эътиборга олган мукаммал луғат мавжуд эмас. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги омонимлар луғатининг мавжуд эмаслиги бир тилдан иккинчи тилга қилинаётган таржималарнинг гўзал, барқарор чиқишида таржимон учун жуда кўплаб муаммоларни туғдирган ва туғдирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, ўзбек тилидаги ёки бошқа бир тилдаги нодир дурдоналарни таржима қилиш тўлақонли бўлиши учун ўзбек тилида ҳам омонимлар луғатини яратиш шарт деб ўйлаймиз. Яна таъкидламоқчимизки, изчил лексикографик тамойилларга асосланган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларидаги генетик боғланган ва генетик боғланмаган лексик омонимлар луғатини алоҳида-алоҳида яратиш лозим. Чунки омонимия таржима жараёнида ҳам муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Бунда икки хил таржимани, яъни инсон таржимаси ва машина таржимасини фарқлаш ҳамда омонимиянинг уларга таъсирини назарда тутиш лозим.

Инсон амалга оширадиган таржима “санъат” даражасига кўтарилган, омонимларнинг луғат мақолаларида келтирилган дефиницияларидан келиб чиққан ҳолда онгли равишда таржима жараёни муваффақиятли юзага чиқади. Боиси, таржимон ўз лингвистик интуицияси ва компетенциясига ҳамда лексикографик базага таянган ҳолда омонимия муаммосини ҳал этади. Бу жараёнда таржимонга маълум муаммо келтириб чикарувчи аспект, асосан, генетик боғланмаган лексик омонимларга алоқадор бўлиб, у, албатта, генетик боғланмаган лексик омонимларнинг тўлиқ рўйхатига эҳтиёж сезади. Ваҳоланки, яратилган луғатларда улар аралаш ҳолда ва нотўлиқ тарзда қайд этилган.

Демак, генетик боғланмаган лексик омонимлар луғати таржимоннинг ҳам иш столидаги муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Лекин омонимия муаммоси кўпроқ қийинчилик туғдирадиган соҳа **“автоматик таржима”** йўналишидир. Чунки автоматик таржиманинг муваффақиятли амалга ошиши учун табиий тилдаги энг катта тўсиқ омонимия билан боғлиқдир деган фикрни Ж.Сиокумнинг ишларида учратиш мумкин. Яъни компьютер бир қийматлилик тамойилига асосланиб иш кўради, бунда бир шаклга бир маъно юкланиши назарда тутилади [5.358]. Омонимия эса мазкур тамойилга зид келади, чунки унда бир шаклда бир неча маъно ифодаланади. Мана шу жиҳатдан машина таржимаси учун омонимлар муаммо туғдириши табиий. Мазкур муаммони ҳал этиш борасида шу кунгача турли автоматик таржима моделлари яратилган, улар машина таржимасининг максимал даражада муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда, бизнингча, омонимларнинг тўлиқ жамланмасини яратиш ва улар асосида “омонимларнинг электрон луғати”ни ишлаб чиқиш ҳамда уни таржимон дастурлар базасига жойлаш лозим. Шунда автоматик таржиманинг сифатини бир оз юксалтиришга эришиш мумкин.

Барчамизга маълумки, замонавий таржимонлик жараёнлари кўпроқ амалий таржималарга мурожаат этмоқда. Ҳозирги кунда жуда кўплаб электрон луғатлар мавжуд, чунки улар ҳаётимизни осонлаштиришга ёрдам беради. Бу каби луғатлар турли тилларни ўрганишда, матнларинг таржимаси тўла-тўкис чиқишида катта роль ўйнайди.

Демак, электрон луғатлар қанчалик замонавий лексикография талабларига жавоб берса, яъни биз юқорида айтиб ўтган принциплар асосида тузилса, ҳар бир соҳани қамраб олувчи алоҳида-алоҳида омонимлар электрон луғатлари яратилса, китобхон амалий, автоматик таржима жараёнларида муаммолардан ҳоли бўлади. Шу кунгача инглиз тилидаги генетик боғланмаган лексик омо-

нимларнинг элекрон луғати мавжуд эмас, бу эса тадқиқотимизнинг долзарб эканлигини яна бир бор исботлайди. Биз мўъжазгина луғатимиз билан бу каби муаммоларни тўлиқ ҳал этолмасак-да, тажрибамиз луғат тузувчилар учун маълум даражада манба бўлиб хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Адабиётлар:

1. Bridges R.S. On English Homophones Text. / R.S. Bridges // Society for Pure English. Oxford. 1919. Vol. 1. – P. 3-48. On English homophones. London. 1922.

2. Branys E. Homonyme Substantive im Neuenglischen Text. dissertation / E. Branys. Berlin. 1938. – 123 P.

3. Webster N. Webster's synonyms, antonyms and homonyms. N., Y., 1988.

4. Тышлер. И.С. Словарь омонимов современного английского языка. Текст. / И.С.Тышлер. Саратов: Изд-во Саратовского ун-та, 1963. - 232 с.

5. Сиокум Дж. Обзор разработок по машинному переводу: история вопроса, современное состояние и перспективы развития // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 24.- М., 1989. – С. 358.

Андижон давлат университети
2015 йил 24 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)